

Тазкия дарслари (64-дарс). Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш илмининг тарихи



20:05 / 31.12.2019 3436

Албатта, мусулмонларда барча илмлар қатори, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш бўйича ҳам асосий ва биринчи манба Қуръони Карим ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи киромлари нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга салмоқли ҳисса қўшганлар.

Кейинроқ бу масалалар Абу Ҳанифа, Шофеъий, Молик ва Ибн Ҳанбал каби улўф мужтаҳидларнинг шахслари ва фикҳий баҳсларида ўз аксини топди.

Ҳижрий учинчи асрга келиб, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш бўйича алоҳида асарларнинг дебочалари ҳам пайдо бўла бошлади. Бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар машҳур Жоҳизнинг «Таҳзийбул ахлоқ» китобини мисол қилиб келтирадилар. Шу билан бирга, Ибн Қутайба, Жоҳиз ва бошқаларнинг катта асарларида нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга оид алоҳида боблар борлигини ҳам эслаб ўтадилар.

Учинчи асрнинг иккинчи ярмида Ибн Исҳоқ Киндий ўзининг «Ал-Қавлу фин-нафс» номли китобини ёзди.

Ҳижрий тўртинчи асрга келиб, Ҳаким Термизий «Китобуз завқи» ва «Ар-Риёза ва адабун нафс» китобларини таълиф қилди. Абу Наср Форобий «Ороу аҳли Мадинатил фозила» ва «Ал-Одоб ал-мулукийя» китобларини

ёзди.

Бешинчи асрда Ибн Мискавайх бир неча асарларни, жумладан, «Таҳзийбул ахлоқ» китобини ёзди.

Ибн Синонинг фалсафий асарларида ҳам ахлоқ масаласи кенг ёритилган бўлиб, хусусан, «Рисолатун фил ҳикмати», «Китобут-тойр», «Асрорус-солати» ва «Ал-Инсоф» номли китобларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ўринда Ибн Божанинг «Иттисолул ақл» ва «Китобун-нафс» номли асарларини алоҳида эслаш лозим бўлади.

Юқорида зикр қилинган муаллифлар шеърят, адабиёт ва фалсафа соҳаларининг вакиллари бўлиб, санаб ўтилган китоблар ҳам мана шу йўналишларда ёзилган ижод намуналаридир.

Аммо нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш бўйича асосий илмий ишларни Қуръони Карим ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари асосида фақиҳ, муҳаддис ва руҳий тарбия уламолари олиб борганлар. Уларнинг илмий ҳаракатлари ва ёзган асарларини санаб ўтишнинг ўзи ҳам осон эмас. Биз ушбу ўринда баъзи бирларини эслаб ўтиш билангина кифояланамиз.

1. Имом ал-Маърифий ибн Имрон ал-Мувсилиий (ҳижрий 185-санада вафот этган). «Зухд китоби».
2. Имом Муҳаммад ибн Фузайл ибн Ғазвон ал-Куфий (ҳижрий 195-санада вафот этган). «Зухд китоби».
3. Имом Вакийъ ибн Жарроҳ (ҳижрий 197-санада вафот этган). «Зухд китоби».
4. Ҳофиз Асад ибн Мусо (ҳижрий 212-санада вафот этган). «Зухд китоби».
5. Имом Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал (ҳижрий 241-санада вафот этган). «Зухд китоби».
6. Ҳофиз Ҳаннод ибн ас-Саррий (ҳижрий 243-санада вафот этган). «Зухд китоби».
7. Аҳмад ибн Ҳарб ибн Абдуллоҳ Зоҳид (ҳижрий 234-санада вафот этган). «Зухд китоби».

8. Имом Абу Довуд (ҳижрий 275-санада вафот этган). «Зухд китоби».
9. Имом Ибн Аби Дунё (ҳижрий 281-санада вафот этган). «Макоримул ахлоқ», «Ихлос», «Ал-Амру бил-маъруф», «Ҳазар ва шафақа», «Зикрул мавт», «Заммул ғазаб», «Ризо аниллаҳи вас-собру ала қазоиҳи», «Ал-Ғийбату ван-намийма», «Ал-Қаноъа», «Ас-Сомту ва одобул-лисон».
10. Ҳофиз Иброҳим ибн ал-Жунайд (ҳижрий 260-санада вафот этган). «Зухд китоби».
11. Ҳофиз Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ассол ал-Асфиҳоний (ҳижрий 249-санада вафот этган). «Зухд китоби».
12. Имом Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Ожурий. «Зухд китоби».
13. Имом Ибн Шоҳийн (ҳижрий 385-санада вафот этган). «Зухд китоби».
14. Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Байҳақий (ҳижрий 485-санада вафот этган). «Зухд китоби».
15. Имом ибн Даббоғ (ҳижрий 393-санада вафот этган). «Зухд китоби».
16. Ҳофиз Абдул Ҳақ ибн Абдурроҳман Ишбилиий (ҳижрий 581-санада вафот этган). «Зухд китоби».
19. Имом Мовардийнинг «Адабуд-дунё вад-дийн» китоби.
20. Абу Бакр Хароитий. «Макоримул ахлоқи ва маолийҳа» ҳамда «Масовил ахлоқи ва мазмумиҳа ва тароиқу макруҳиҳа».
21. Абу Бакр Ожурийнинг «Ахлоқу ҳамалатул Қуръони», «Ахлоқул уламо», «Адабун-нафс», «Китобу аҳлил бирри ват-тақво», «Китобут-тавба», «Китобут-тахажжуд» ва бошқа китоблари.
22. Абу Абдуллоҳ Ҳалимийнинг «Ал-Минҳож фий шуъабил иймон» китоби.
23. Ибн Ҳазм Андалусийнинг «Ал-ахлоқ вас-сияр фий мудовотун-нуфус» китоби.
24. Имом Нававийнинг «Шуъабул иймон» китоби.
25. Роғиб Асфиҳонийнинг «Аз-Зарийъа ила макоримиш-шарийъа» китоби.
26. Ҳофиз Мунзирийнинг «Ат-Тарғийбу ват-тарҳийб» китоби.

«Руҳий тарбия» китобидан